

9. Press conference on the results of 2022 activities of JSC "NMMC"//Museum of "History of NMMC"//press service of JSC "NMMC", 31.03.2023
10. Annual Financial Reports /JSC "NAVOI MINING AND METALLURGICAL COMPANY" / 2018-2022 y, pages 1-15.
11. <https://en.wikipedia.org/wiki/Microsoft>
12. <https://www.microsoft.com/en-us/>
13. Annual Financial Reports / JSC "Microsoft Corporation" / 2020-2022 y, pages 21
14. <https://investor.apple.com>
15. UNITED STATES SECURITIES AND EXCHANGE COMMISSION /Annual Reports Form 10-K / Apple Inc / 2018 y, page 28.
16. UNITED STATES SECURITIES AND EXCHANGE COMMISSION /Annual Reports Form 10-K / Apple Inc / 2019-2022 y, pages 28-35.
17. UNITED STATES SECURITIES AND EXCHANGE COMMISSION /Annual Reports Form 10-K / Apple Inc / 2018-2022 y, pages 31-40.
18. <https://abc.xyz/>
19. UNITED STATES SECURITIES AND EXCHANGE COMMISSION /Annual Reports Form 10-K / Alphabet Inc / 2020-2022 y, pages 18-61.
20. Usmonov B.A. "SCIENTIFIC-THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF INCREASING THE EFFICIENCY OF CAPITAL MANAGEMENT OF JOINT STOCK COMPANIES" https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a12, 2022-y.
21. Shernaev A.A. Aktsiyadorlik jamiyatlarida soliqlarni rejalashtirish: xususiyatlari va uslubiyoti masalalari. «Science and Education» Scientific Journal. March 2021 / Volume 2 Issue 3, 454-469-p.



МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАРНИНГ ҲИСОБИ ВА АУДИТ МАСАЛАЛАРИ

Махмудов Сайджамол Қодиржонович -
Андижон машинасозлик институти
доценти

doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss4/a14

Аннотация. Ушбу мақола ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларига мослаштириш, қимматли қоғозларни ҳисобини ташкилий масалаларини ҳал қилиш ва ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларлари асосида аудиторлик текширувларни ташкил этиши масалалари көлтирилган.

Калит сўзлар: ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартлари, хорижий мезон, қимматли қоғозлар, аудиторлик фаолиятини миллий стандарти, инвестиция, депозит сертификати, корпоратив облигациялар, эмиссиявий қимматли қоғозлар, варрант, опцион, ҳосилавий қимматли қоғозлар, операцион аудит, мувофиқлик аудити.

ВОПРОСЫ БУХГАЛТЕРСКОГО УЧЕТА И АУДИТА ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ

Махмудов Сайджамол Кадиржонович -
Доцент Андижанского
машиностроительного института

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы согласования со стандартами международной финансовой отчетности, решение организаторских вопросов учета ценных бумаг и организация аудиторских проверок на основе стандартов международной финансовой отчетности.

Ключевые слова: международные стандарты финансовой отчетности, международный стандарт, ценные бумаги, национальные стандарты аудита, инвестиции, депозитный сертификат, корпоративные облигации, эмиссионные ценные бумаги, варрант, опцион, производные ценные бумаги, операционный аудит, комплекс аудит.

ISSUES OF ACCOUNTING AND AUDIT OF FINANCIAL INSTRUMENTS

Makhmudov Saidjamol Kadirjonovich -
Andijan Machinebuilding Institute, (PhD)

Annotation. The article deals with the issues of harmonization with international financial reporting standards, the solution of organizational issues of accounting for securities and the organization of audits based on international financial reporting standards.

Keywords. international financial reporting standards, foreign standard, securities, national auditing standards, investments, certificate of deposit, corporate bonds, equity securities, warrant, option, derivative securities, operational audit, complex audit.

Кириш. Жаҳонда иқтисодиётни модернизация қилиш ва инновацион ривожлантириш йирик ҳажмда инвестицияларни талаб қилиши, мазкур жараёнда қимматли қоғозлар бозори ривожланиши жамғармаларни инвестицияларга трансформация қилади ва иқтисодиёт тармоқларига инвестиция киритишга имконият яратади. Қимматли қоғозларни бирламчи ва қайта сотиш бўйича барча операциялар қимматли қоғозлар савдо тизимларида фонд биржаси, электрон савдо ва ўюшмаган савдо тизимлари орқали амалга оширилади. “Жаҳондаги энг йирик 10 та биржа жаҳон фонд бозори капиталлашувининг қарийб 77 фоизини ёки 65,6 триллион АҚШ долларини ташкил қилади. Улар бўйича биржа савдоларининг кунлик ҳажми 5,0 триллион АҚШ долларидан ошади, бу жаҳон айланмасининг 40,0 фоизини ташкил этади, 22,0 фоизи фақат NYSE (New York Stock Exchange) ва NASDAQ (National Association of Securities and Dealers Automated Quotations) биржаларига тўғри келади”[11]. Дунё амалиётида молия бозорини бошқариш жараёнларида молиялаштириш даражасини кескин тушиб кетганлиги, уларнинг олдини олиш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва корпоратив бошқарув жараённада халқаро талабларга мос равишда бухгалтерия ҳисоби ва аудитини ташкил этишининг турли методологик ёндашувлар асосида юритилиши кузатилмоқда.

Жаҳон мамлакатларида иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида бевосита қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг рақобат-бардошлигини ошириш муаммолари вужудга келиши, молиявий инструментларни тан олиш, унинг ҳисобини ташкил этиш ва аудиторлик текширувларини ўтказишида, молиявий ҳисботларда маълумотларни бузиб қўрсатишлар фирибгарликларни олдини олишида муҳим илмий-тадқиқот мавзулардан бири бўлиб қолмоқда. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, жаҳоннинг йирик давлатларида қимматли қоғозларнинг кузатувсиз чиқарилиши натижасида кўплаб нуфузли халқаро таҳлил марказлари ва эксперталарининг чалғи-тишига сабаб бўлмоқда. Ушбу шароитда қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, улар томонидан чиқарилаётган молиявий инструментларни таъминланганлик даражасини ошириш, молиявий инструментлар ҳисобини янада ислоҳ қилиш, уни ҳозирги бозор иқтисодиётига мослаштириш масалалари, халқаро ва миллий тадқиқот марказлари томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида кейинги йилларда молиявий инструментлардан кенг фойдаланиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар қимматли қоғозларини дунёдаги машхур

фонд биржалари талаблари асосида уларга жойлаштириш натижасида бизнесни ривожланиши ва уни самарали бошқариш муаммосини ҳал этиш, молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини қўллаш бўйича алоҳида эътибор қаратиш белгиланган. “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида”[12] алоҳида хукуматимиз раҳбари томонидан қарорлари билан ҳам белгилаб қўйилган. Шунингдек, 2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “молия бозорига хорижий капитал оқимларини асосан ўрта ва узоқ муддатга жалб қилиш; давлат қимматли қоғозларини норезидентлар томонидан харид қилишга руҳсат бериш; корпоратив қимматли қоғозлар бозорида ликвидликни ошириш”[13] каби вазифаларнинг белгилanganлиги молиявий инструментлар ҳисоби ва аудитининг назарий ҳамда услубий жиҳатларини такомиллаштириш муҳимлигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 25 декабрдаги 598-сон “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2015 йил 3 июнядаги 387-сон “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2014 йил 6 майдаги 370-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фонд бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2012 йил 19 мартағи ПҚ-1727-сон қарорини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида”ги ПҚ-615-сон Қарори ҳамда молиявий инструментларни

ҳисоби ва аудити фаолиятига тегишли бўлган бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш керак.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистонда молиявий инструментларни бухгалтерия ҳисоби ва аудити масаласи долзарб мавзу бўлиб, иқтисодиётни либераллаштириш шароитида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан ушбу масала бўйича кўплаб илмий ишлар бажарилган бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида молиявий инструментларни ҳисобга олиш ва унинг аудитини ташкил этиш масалалари ва унинг айрим масалалари бўйича илмий ишлар бажарилганини кўришимиз мумкин.

Шу жумладан Истроилов Б.И. томонидан (1999)[14] акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатининг концептуал асослари, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига салбий таъсир қиласидаган дебиторлик қарзлари ва уларни камайтириш, акцияларнинг фонд биржалари ва депозитарийлар ҳисобининг хусусиятлари, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлили, омилли таҳлил ва унинг натижасида мавжуд ички имкониятларни аниқлаш йўллари кўрсатиб берилган. Шу жумладан, муаллифнинг олдинги ишларида (2006)[15] акциядорлик жамиятларидаги мол етказиб берувчилар олдидағи мажбуриятларни баҳолаш, уларни счёtlар режасида акс эттириш, мажбуриятлар устидан назоратни амалга ошириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш, облигациялар ҳисоби, мажбуриятларни баҳолаш ва уларни таҳлили каби масалалар ёритилган.

Инвестициянинг иккинчи тури бўйича турли фикрлар мавжуд бўлиб, уларда хўжалик субъектларнинг қимматли қофозлар бозоридаги инвестиция фаолияти бўйича турлича талқин этилган. Масалан: Питер Роуз[3] банкларнинг қимматли қофозлар бозоридаги инвестиция фаолияти воситаларини ўрганиб, уларни қўйидаги икки синфа бўлган:

- 1) пул бозори инструментлари;
- 2) капитал бозори инструментлари. У инвестиция фаолиятини асосий ўналишига вексел ва облигациялар жалб қилиш таклифини берган. Г.Н.Белоглазова[4] эса тўғридан-тўғри инвестициялар ва портфелли инвестицияларни ўрганиб чиқиб, қимматли қофозлар орқали тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ва уларни инвестиция портфелини ташкил этишини тавсия этган. О.И.Лаврушин томонидан[5] тижорат банкларининг қимматли қофозлар бозоридаги инвестиция фаолиятини такомиллаштириш бўйича инвестиция банклари ташкил этишда икки йўлни қўллашни таклиф этган: а) тўғридан-тўғри қимматли қофозларни жойлаштириш ва сотиш; б) узоқ муддатли кредитлаш орқали инвестиция фаолиятини ташкил этиш. Э.И.Носиров[6] томонидан хўжалик субъектла-

рининг инвестиция фаолиятига таъсир этувчи омиллар тадқиқ этилиб, уларнинг энг муҳимлари инвесторлар ҳукуқ ва манбаатлари бузилиши, тижорат банкларининг қимматли қофозлар бозоридаги ролини ошириш тамойиллари етарлича шаклланмаганлиги, деб таъкидланган. Ф.А.Юлдашев томонидан[7] тижорат банкларининг қимматли қофозлар бозори операцияларини ташкил этишини такомиллаштириш йўналишлари ўрганиб чиқилган.

Юқоридаги таҳлиллардан шуни таъкидлаш мумкинки, олимлар ушбу муаммони ўрганиш бўйича турлича фикрларини билдиришган, лекин кўпчилигининг фикри иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида молиявий инструментларни ҳисобга олиш ва аудитини ташкил қилишга мос келмаслиги ушбу мавзу бўйича изланиш қилишни тақозо этади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада, илмий абстракциялаш, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик қиёслаш ва гурухлаш каби иқтисодий таҳлил ва статистик усуllibардан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Юртимизда қимматли қофозлар бозори муҳим ва долзарблиги сабабли ушбу масалага кейинги йилларда алоҳида эътибор берилмоқда. Қимматли қофозлар бозори иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини жамлаш ва уни инвестиция жараёнларига йўналтиришнинг муҳим воситасидир. Бу борадаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичи сифатида жорий йил бошида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилди. Давлат облигациялари фонд бозорига қайта чиқарилди. Ушбу масалани ривожлантириш тўғрисида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев томонидан шундай дейилган: “Лекин қимматли қофозлар чиқариб, уларни фонд бозорида сотиш механизмидан самарали фойдаланилмаяпти. Фонд бозоридаги акцияларнинг жами қиймати 25 триллион сўм бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 6 фоизга ҳам етмайди. Бу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз, Россияда 34 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизда жорий йилда чиқарилган давлат облигациялари валюта биржаси орқали фақатгина тижорат банкларига сотилган. Фонд бозори профессионал иштироқчилари сони юзтагаям бормайди. Шу боис 2020-2025 йилларда фонд бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Эркин муомаладаги жами қимматли қофозларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатини 2025 йил охиригача камида 10-15 фоизга етказиш мўлжалланган”[16].

Ушбу соҳани таҳлил қиласидаган бўлсақ, бугунги кунда бу соҳа, яъни қимматли қофозлар бозори 100 га яқин норматив ҳужжатлар билан

тартибга солиниб, кўплаб чекловлар ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин.

Юртимизда қимматли қоғозлар бозори муҳим ва долзарблиги сабабли ушбу масалага кейинги йилларда алоҳида эътибор берилмоқда. Қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини жамлаш ва уни инвестиция жараёнларига йўналтиришнинг муҳим во-ситасидир.

Бу борадаги ислоҳотларнинг дастлабки босқичи сифатида жорий йил бошида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилди.

Давлат облигациялари фонд бозорига қайта чиқарилди. Ушбу қилингандан ишлар фонд бозорини ривожлантириш учун етарли эмас деб ўйлаймиз.

Мамлакатимизда жорий йилда чиқарилган давлат облигациялари валюта биржаси орқали фақатгина тижорат банкларига сотилган. Фонд бозори профессионал иштирокчилари сони юзтагаям бормайди. Эмитентлар билан сонига боғлиқлигини ва унинг ривожланишини таҳлил қилиш лозим.

1-жадвал


Ўзбекистон Республикасида фонд бозори ҳажмининг таҳлили [17]

№	Йиллар	Битимлар сони	Битимлар ҳажми, мрлд сўм	Инфляция %	Эмитентлар сони
1.	2018	13 750	687,30	14,3	117
2.	2019	32 816	438,82	15,2	112
3.	2020	36 062	578,15	11,1	103
4.	2021	71 489	1 260,51	10,0	108
5.	2022	80 723	4 816,21	12,3	114
Жами 5 йиллик	X	234 840	1 704,27	X	X


Ушбу 1-жадвал маълумотларидан кўрина-дикни, Ўзбекистон Республикаси фонд бозори кейинги йилларда жуда тез ривожланмоқда. Айниқса фонд бозори 2021 ва 2022 йилларда жуда тез ривожланиб, шу жумладан 2018 йили 687,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлиб, 2018

йилда эса нисбатан 2019 йилда камайган, 2020 йилда эса 139,33 млрд ўсган. Бундан ташқари 2021 йили 2022 йилга нисбатан эса 3,82 ба-варга ёки 3555,7 млрд. сўмга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Bitimlar hajmi, mlrd so'm



Bitimlar soni, dona




1-расм. Ўзбекистонда фонд бозори ҳажмининг таҳлил графиги

Эмитентлар сони ўзгаргани билан фонд бозорининг ҳажми унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгарганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу қимматли қоғозлар бозорида асосий масала даромадлилик даражасини ҳисоблаш ва унинг учун зарур ахборот билан таъминлаш масаласи ҳисобланади. Демак асосий ушбу соҳани таҳлил қиласидиган бўлсанк, бугунги кунда бу соҳа, яъни қимматли қоғозлар бозори 100 га яқин норма-

тив ҳужжатлар билан тартибга солиниб, кўплаб чекловлар ўрнатилганлигини кўришимиз мумкин.

Охиригина йилларда Ўзбекистон фонд бозори барқарор ўсиш кўрсаткичларини намоён қилиб, қимматли қоғозларга маблағларни самарали инвестициялашнинг катта имкониятларини очиб, мамлакат молия тизимининг тобора аҳамиятли қисмига айланиси бормоқда.

BUXGALTERIYA HISOBI VA AUDIT



2-расм. Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятларининг фаолияти ва ривожланиши динамикасининг таҳлили графиги

Республикада қимматли қоғозлар билан биржা операциялари корхоналар инновацион ривожланиши учун маблағ жамлашнинг тобора кенг тарқалаётган шаклига айланаб бормоқда. Бундан ташқари акциядорлик жамияти сони ва устав капиталини ўзгариши динамикасини тақ-қослаш мумкин.

Ушбу 2-расм график чизмадан кўриниб турибдики, ҳозирда акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарувни жорий этиш ва унга бўлган талабларнинг ўзгариши натижасида уларнинг сони камайиб бормоқда. Шу жумладан акциядорлик жамиятлари 2022 йилда умумий бозор капиталлашуви 94,38 трлн.сўмни ташкил этган. Лекин уларнинг устав фонди борган сари ошиб борганлигини кўришимиз мумкин. Маса-

лан: 2021 йилда 56,20 трлн. сўм ташкил этган бўлсада, устав капитали эса 2020 йилга 54,79 трлн сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг кўпайишини кўришимиз мумкин.

“Тошкент” РФБ расмий биржা листингига 2022 йилда 21 акциядорлик жамиятларининг акциялари киритилган бўлиб, улар жумласига тижорат банклари, сұғурта компаниялари, қурилиш материаллари ишлаб-чиқариш, агросаноат комплекси, энергетика, металлургия ва иқтисодиётнинг бошқа саноат тармоқларига мансуб корхоналар киради. 2023 йил 31 май ҳолатига 106 та эмитентларнинг 129,93 млрд. сўмлик акция эмитентларнинг умумий бозор капиталлашуига эришилган.

2-жадвал

Вилоятларнинг 2022 йилга фонд бозори хажми таҳлили

Hududlar	Emitentlar soni	Bitimlar soni	Qimmatli qog'ozlar soni	Bitimlar hajmi, so'm
Andijon viloyati	4	8 601	41 814 582	16 769 840 129,57
Buxoro viloyati	9	648	9 689 323	16 051 218 885,17
Toshkent shahri	47	34 984	36 066 662 551	2 658 061 671 456,47
Jizzax viloyati	1	301	34 658	126 710 383,05
Qashqadaryo viloyati	8	169	512 833	12 513 676 356,32
Navoiy viloyati	3	6 822	4 359 403	14 602 655 278,41
Namangan viloyati	4	1 245	135 944	4 037 097 570,22
Qoraqalpog'iston Respublikasi	5	83	3 194 490	39 293 691 648,92
Samarqand viloyati	2	305	1 357 135	14 167 059 932,03
Sirdayro viloyati	2	4	150 663	326 102 481,09
Toshkent viloyati	16	18 479	11 010 930	1 962 863 604 773,77
Farg'onha viloyati	10	9 062	10 429 576	60 999 925 563,36
Xorazm viloyati	3	20	5 408 094	16 394 164 342,02
Jami	114	80 723	36 154 760 182	4 816 207 418 800,40

Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари га мослаштириш, айниқса қимматли қоғозларни ҳисобини ташкилий масалаларини ҳал қилиш ва ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларлари асосида аудиторлик текширувларни ташкил этиш муҳим ҳисобланади.


Ўзбекистон Республикасини турли ҳалқаро ташкилотлар билан фаол алоқаларни ўрнатиши, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши жараёнида, иқтисодий кўрсаткичларни хорижий мезонларга таққосланиши, аудитни услубий тамойилларини жаҳон амалиётида қабул қилинган стандартлар талабларига жавоб беришни таъминлашни талаб қиласди.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига инвестициялар муҳим ҳисса қўшиб, уни жалб этишнинг турли усулларидан фойдаланиш мумкин.

Капитал қўйилмалар қўйиш обьектига фақат асосий воситалар кирса, инвестицияга айланма маблағлар, қимматли қоғозлар киради. Инвестиция икки турга бўлиниб, биринчиси маблағларни тўғридан-тўғри инвестициялаш,

яъни уни корхона ишига капитал сифатида қўйиш бўлса, иккинчиси, маблағни корхоналар акцияларини сотиб олишга сарфлаш бўлиб, портфелли инвестициялар дейилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш муҳим ва долзарб масала ҳисобланади. Шундай йўллардан бири қимматли қоғозлар чиқариш ва уни сотиш орқали пул маблағларини иқтисодиётга жалб этиш керак. Активларни бошқаришда асосий вазифа рискларни бошқариш ва назорат қилиш усуллари ёрдамида қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг стратегик мақсадлари бажарилишини таъминлашдан иборатdir. Бу усул эса ташки муҳит ҳамда активлар тузилишига қараб танланади. Бу вазифани ҳал этиш учун қоғозлар бозори иштирокчиларининг микро ва макро соҳасидаги ўзгаришларга, шунингдек мамлакат ва жаҳон молия тизимидағи макроиқтисодий вазият ўзгаришига тезкор мослаша билиш, айрим холларда ноандозавий қарорлар қабул қилиш талаб этилади.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қўра амал қилиш хуқуки мавжуд қимматли қоғозлар [7]

Хуносава таклифлар. Молиявий инструментлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш учун юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда қуйидаги тадбирларни амалга ошириши лозим:

1. Бугунги кунда қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудитнинг хуқуқий асосини такомиллаштириш тобора долзарб масалага айланмоқда. Бунга, ҳалқаро бозорларда фаолият юритаётган компания, корхона ва банклар ўртасидаги ўзаро алоқа муомалаларининг вужудга келиши ва қимматли қоғозлар бозорининг янада ривожланиши сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолиятини ҳисобга олиш ва аудит текшируви жаравёнида аудитнинг ҳалқаро стандартлари талабларига мувофиқ равишда ўтказилиши иқтисодиётини ривожлантириш учун қаратилган, қолаверса аудиторлик

фаолияти миллий стандартларини ишлаб чиқиши ва уни амалиётга тадбиқ этиш масалалари хали тўлиқ ўрганилиб чиқилмаган деб ўйлаймиз. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудитининг ҳалқаро стандартларини ривожлантириш роли салмоғли ҳамда Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш зарур деб ўйлаймиз.

Жаҳон иқтисодий муносабатларининг кенгайиши, ҳалқаро майдонда ўзаро иқтисодий алоқаларнинг кучайиши, бир неча давлатларда фаолият юритувчи мультинационал компанияларнинг пайдо бўлиши иқтисодий ва молиявий ахборотларни бир тизимга солиш ҳамда молиявий ахборотлардан фойдаланувчилар учун

қуладай ҳолда етказиб бериш заруриятини пайдо қилди.

2. Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка кўра, хўжалик субъектлари томонидан қўйидаги қимматли қоғозларни муомалага чиқариш рухсат этилган.

Бухгалтерия ҳисобининг 21-сонли “Бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси” номли миллый стандартига кўра, қимматли қоғозлар қўйидаги счёtlарда ҳисобга олиш мўлжалланган:

0610 - “Қимматли қоғозлар”;

0620 - “Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар”;

0630 - “Қарма хўжалик жамиятларига инвестициялар”;

0640 - “Хорижий капитал қатнашган корхоналарга инвестиациялар”;

0690 - “Бошқа узоқ муддатли инвестиациялар”[8].

Лекин Ўзбекистон Республикаси “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунга кўра[9] депозит сертификати, корпоратив облигациялар, эмиссиявий қимматли қоғозлар каби турлари тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган. Демак, ушбу қимматли қоғозларни ҳам ҳисобга олиш зарурияти пайдо бўлади. Шу сабабли бизнинг фикримизча, уларни алоҳида ҳисобга олиш учун 0610 счёtdа қўшимча қўйидаги счёtlарни очиш лозим деб ўйлаймиз.

0611 - “Депозит сертификати”;

0612 - “Корпоратив облигациялар”;

0613 - “Эмиссиявий қимматли қоғозлар” номли счёtlарда ушбу қимматли қоғозларни алоҳида юритиш ва уларнинг турлари ва эмитентларининг номлари бўйича аналитик счёtlар очиб юритиш зарур.

Ушбу таклиф қилинаётган счёtlарни қўйидагича бошқа ҳисобварақлар билан боғлиқлигини кўриш мумкин.

3-жадвал

Узоқ муддатли қимматли қоғозларни ҳисобга олуви ҳисобварақларнинг боғланиши

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Боғланувчи ҳисобварақлар		Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар
		дебет	кредит	
1	Депозит сертификатларни харид қилиш	0611	5110	Қимматли қоғозларга обуна, ҳисобварақ-фактура
2	Корпоратив облигацияларни харид қилиш	0612	5110	Қимматли қоғозларга обуна, ҳисобварақ-фактура
3	Эмиссиявий қимматли қоғозларни харид қилиш	0613	5110	Қимматли қоғозларга обуна, ҳисобварақ-фактура
4	Сотувчи корхонага асосий воситаларни бериш йўли билан қимматли қоғозлар харид қилиш	0611 0612 0613 9210	9210 0110-0190	Қимматли қоғозларга обуна, ҳисобварақ-фактура, асосий воситаларни тугатиш далолатномаси
5	Сотувчи корхонага тайёр маҳсулотни бериш йўли билан қимматли қоғозлар харид қилиш	0611 0612 0613 9110	9010 2810	Қимматли қоғозларга обуна, ҳисобварақ-фактура, юхчат
6	Сотувчи корхонага товарларни бериш йўли билан қимматли қоғозлар харид қилиш	0611 0612 0613 9120	9020 2910	Қимматли қоғозларга обуна, ҳисобварақ-фактура, юхчат
7	Қимматли қоғозларнинг харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни (номинал қиймати харид қийматидан юқори) акс эттириш	0611 0612 0613	9560	Гувоҳнома, қимматли қоғозларга обуна, ҳисобварақ-фактура
8	Йил охирида қимматли қоғозларнинг харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқни (харид қийматидан юқори) акс эттириш	9610	0611 0612 0613	Гувоҳнома, қимматли қоғозларга обуна, ҳисобварақ-фактура
9	Бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозларини харид қилиш	0611 0612 0613	Пул маблағларини ҳисобга олуви ҳисобварақлар	Қимматли қоғозларга обуна, қимматли қоғозларга эгалик қилиш тўғрисидаги гувоҳнома
10	Брокерларга инвестиациялар бўйича комиссиян ҳақни ҳисоблаш	0611 0612 0613	6990	Воситачи корхона билан шартнома, ҳисобварақ-фактура, кўрсатилган хизматлар далолатномаси

Қимматли қоғозлар аудитини амалга оширишда энг аввало ички аудит томонидан ба-тафсил аудиторлик назорати амалга оширилади. Ҳозирги вақтга келиб кўп ҳолларда ички аудиторларнинг функциялари, ҳатто ўз компанияси таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисбботларини текшириш доирасидан ҳам четга чиқади. Ички аудиторлар корхонанинг иқтисодий сиёсати ва бошқарув масалаларида кўпроқ иштирок этмоқдалар. Ички аудиторлар юқори

малакали мутахассислар бўлиб, ўз мақомига кўра катта ваколатларга эга. Уларнинг мажбуриятлари доирасига кўпроқ қўйидагилар киради:

- **операцион аудит** - бошқарув масалалари бўйича корхонанинг турли таркибий бўлинмаларига маслаҳат бериш, шу жумладан қимматли қоғозлар сотиб олиш ва унинг ишончлилигини аниқлашда ички аудит холосасига таяниш, (масалан, маркетинг ишларини баҳолаш,

корхона қимматли қоғозларини ишонччилиги ва унинг тўловга қобилиятлилигига эътибор бериш, таркибий тузилмасини баҳолаш ва ш. к.);

• **мувофиқлик аудити** - ушбу корхона бўлинмалари фаолияти, унинг маъмурияти ва зарур бўлганда юқори органлар томонидан белгиланган ёки қонун хужжатларида кўрсатилган қоидаларга мувофиқлигини текширишдан иборат. Масалан, тузилган шартномаларни юридик

талаблар нуқтаи назаридан текшириш ва баҳолаш, қимматли қоғозлар бўйича рискларни камайтириш ва ҳ.к.

Шундай қилиб, қимматли қоғозлар ҳисобини ва аудитини тўғри ташкил этилиши, унга тегшли дивидендерларни ўз вақтида олиш имконини беради ва улар бўйича тегишли ҳисобни тўғри ташкил этиш имкониятини яратади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. URL: <https://lex.uz/docs/5841063>
2. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika/merchandise-trade-2>
3. Питер Роуз. Банковский менеджмент. –М.: ИНФРА-М, 1995. 294 с.
4. Белоглазова Г.Н., Кроливецкая Л.П. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка. М.:Высшее образование, 2008. 422 с.
5. Лаврушин О.И. Основы банковского менеджмента. М.:Финансы и статистика, 1998. 612 с.
6. Насиров Э. Қимматли қоғозлар бозорида тижорат банклари ролини ошириш масалалари://и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент: 2006. -Б 24;
7. Юлдашев Ф.М. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операцияларини фаоллаштириш масаласи. // и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Тошкент: 2006. -Б 23.
8. Алимов И.И. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. –Тошкент: 2006. 216 б.
9. Национальный стандарт бухгалтерского учета Республики Узбекистан НСБУ №21. Ташкент: «NORMA», 2022. 42 с.
10. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й. 29-30 сон, 278-модда.
11. www.nyse.com, www.nasdaq.com. ТОП-10 мировых бирж. На основе информации международный биржа по статистический база данных NYSE и NASDAQ.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги карори. Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси. Қонун хужжатлари маълумотлари миллӣй базаси, 25.02.2020 й., 07/20/4611/0209-сон.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллӣй базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон
14. Истроилов Б.И. Акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини таомиллаштириш. (Савдо акциядорлик жамиятлари мисолида). И.ф.н.илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.:БМА, 1999. 236.
15. Махмудов С.Қ. Акциядорлик жамиятларида маъжбуриятлар ҳисоби ва таҳлилини таомиллаштириш (Интигирув корхоналари мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. Т.:БМА, 2006. 226.
16. Мирзиёев Ш. М. Фонд бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилишдаги нутқи. 07.10.2019. //norma.uz.
17. https://www.uzse.uz/system/analytics/pdfs/000/000/153/original/2022_yil_bo'yicha_birjaviy_tahlil.pdf?1676883324
18. <https://www.uzse.uz/syst>